


## Х. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасининг ривожланиши бу жамият тараққиётининг муваффақият кафолатидир. Хизматлар соҳасини жадал ривожланишининг муҳим омилларидан бири ижтимоий эҳтиёжларнинг ўзгариши ҳисобланади. Замонавий инновацион асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологияларни модернизация қилиш, аҳолининг таълим ва маданий даражасини ошириш, пировардида, ишлаб чиқариш ва аҳоли эҳтиёжлари доирасини кенгайтиришга олиб келди. Ўз навбатида, бу мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқлари ўртасида ресурслар ва маҳсулотлар тақсимидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлди.

Республикада хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг ривожланишида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2018 йил январь-март ойларида ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши 51,3 % ни ташкил этди.

Бугунги кунда ушбу соҳада 197,3 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 4,0 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

**Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона  
ва ташкилотлар сони, минг бирликда**  
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*



Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг давом эттирилиши хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш

имконини бермоқда. Натижада, 2018 йил январь-март ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 31910,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,0 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш**  
(2018 йил январь-март ойлари учун)


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>31910,1</b>	<b>108,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2117,4	117,0	6,6
молиявий хизматлар	4333,8	130,3	13,6
транспорт хизматлари	9783,8	105,7	30,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	4648,1	101,2	14,6
яшаш ва овқатланиш хизматлари	936,6	104,3	2,9
савдо хизматлари	8723,6	100,2	27,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	990,5	103,0	3,1
таълим соҳасидаги хизматлар	1119,4	109,3	3,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	439,9	110,9	1,4
ижара хизматлари	668,1	104,5	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	565,7	101,8	1,8
шахсий хизматлар	822,3	100,8	2,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	430,9	140,8	1,3
бошқа хизматлар	978,1	108,9	3,1

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 140,8 %, молиявий

хизматлар – 130,3 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 117,0 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 110,9 % бўйича эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улушни транспорт хизматлари (30,7 %), савдо хизматлари (27,3 %), молиявий хизматлар (13,6 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,6 %) ташкил этади.


### Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби (2018 йил январь-март ойлари учун)



Бино ва иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларга бўлган талабнинг ошишига, логистик инфратузилмани ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспорти хизматлари 47,6 % кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда.

Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юклардан (ўтказмасдан) “эшикдан эшиккача” етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлаштиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

## Транспорт хизматлари таркиби (2018 йил январь-март ойлари учун)




Жаҳон бозори ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатдики, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш корхоналарда бошқарув ва технологик жараёнларнинг самарадорлигини оширишга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида янги товар ва хизматлар бозорини ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтиришга ёрдам беради. Бу пировард натижада аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга олиб келади.

Ҳозирги вақтда АКТ соҳаси мамлакат ЯИМ нинг 2,5 % ни ташкил этади.

АКТ соҳасида юқори технологик хизматларни ривожлантириш, янги турдаги хизматлар кўламини кенгайтириш, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсишига таъсир кўрсатди.

2017 йил январь-март ойларида нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати 117,0 % ни ташкил этди.

## Худудлар бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, %



Худудлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Навоий (120,9 %), Тошкент (120,7 %), Наманган (119,9 %) ва Жиззах (118,6 %) вилоятларида кузатилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Хоразм (113,9 %), Қашқадарё (113,9 %), Сирдарё (114,1 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (114,6 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (88,6 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳиссасига тўғри келади.


**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %**  
(2018 йил январь-март ойлари учун)



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.


Натижада, 2018 йил январь-март ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 4333,8 млрд. сўмга тенг бўлди, ўсиш 30,3 % ни ташкил этди.

**Худудлар бўйича молиявий хизматларнинг ўсиш суръати**  
(2018 йил январь-март ойлари учун)



Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (88,5 %) устунлик қилмоқда.

### Молиявий хизматлар таркиби (2018 йил январь-март ойлари учун)



Суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматларнинг умумий ҳажмида энг катта улушни пул-кредит соҳасидаги воситачилик хизматлари (97,0 %) эгаллайди. Шу билан бирга, ушбу хизматлар гуруҳида молиявий лизинг бўйича хизматлар улуши 2,4 % ни, бошқа молиявий хизматлар - 0,6 % ни ташкил этади.

### Суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар таркиби (2018 йил январь-март ойлари учун)



## Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан %
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>31910,1</b>	<b>108,0</b>	<b>100,0</b>	<b>975,5</b>	<b>106,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	941,2	105,7	3,0	510,2	104,2
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	1723,9	104,5	5,4	571,5	102,8
Бухоро	1385,0	104,6	4,3	739,7	103,1
Жиззах	660,6	106,9	2,1	497,7	105,0
Қашқадарё	1512,2	104,2	4,7	479,5	102,3
Навоий	824,9	110,5	2,6	859,6	108,7
Наманган	1321,8	104,9	4,1	488,8	103,0
Самарқанд	2150,4	106,1	6,7	577,0	104,1
Сурхондарё	1190,1	106,0	3,7	472,4	103,9
Сирдарё	411,9	106,5	1,3	504,1	104,8
Тошкент	2379,0	106,3	7,5	830,5	105,1
Фарғона	1971,8	104,7	6,2	543,9	103,1
Хоразм	926,4	105,0	2,9	512,5	103,4
Тошкент шаҳри	10153,5	112,7	31,8	4110,1	110,8


<sup>1)</sup>Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда



Худудлар ўртасида энг юкори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (112,7 %), Навоий (110,5 %), Жиззах (106,9 %), Сирдарё (106,5 %), Тошкент (106,3 %), Самарқанд (106,1 %) ва Сурхондарё (106,0 %) вилоятларида кузатилмоқда.

### Республика бўйича жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши

(2018 йил январь-март ойлари учун)




Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Тошкент шаҳри (31,8 %), Тошкент (7,5 %), Самарқанд (6,7 %), Фарғона (6,2 %) вилоятлари каби худудларда кузатилмоқда. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг паст улуш Сирдарё (1,3 %), Жиззах (2,1 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (2,9 %), Сурхондарё (3,7 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,0 %) каби худудларга тўғри келади.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юкори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида – 4110,1 минг сўм қайд этилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,8 % ни ташкил этди.

## Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръати

(2018 йил январь-март ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст ҳажми Сурхондарё вилоятида – 472,4 минг сўм кузатилди, ўсиш суръати 103,9 % ни ташкил этди. Бу ҳолат мазкур вилоятнинг аҳолиси зичлиги билан изоҳланади. Таққослаш учун, Навобий вилоятида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 859,6 минг сўмга тенг бўлди, бироқ ушбу вилоятнинг аҳолиси Сурхондарё вилояти аҳолиси сонидан 2,6 марта кам.